

## **“АРБАЪИН”ЛАР ЖИЛОСИ-АҲЛИ АДАБ ИМОСИ**

**Сувонова Жумагул Рашидовна,**  
филология фанлари номзоди, доцент  
Самарқанд давлат университети,  
Самарқанд, Ўзбекистон  
**E-mail: [Jumagul-Suvonova@rambler.ru](mailto:Jumagul-Suvonova@rambler.ru)**

### **АННОТАЦИЯ**

*Мумтоз шеърятда “Арбаъин”-ҳадис ёзиши ва ҳадислар шарҳини кўпчиликлари тушунарли тилда, маносини чуқурроқ изоҳлаш, ёки шарҳлаш орқали етказиши анъанаси мавжуд. XV асрга келиб туркий шеърятда ушбу анъанани Ҳазрат Алишер Навоий бошлаб берган. Ҳазрат устози форсийзабон шоир Абдурахмон Жомий танлаган “Арбаъин”- “Чҳил ҳадис”ларини туркий тилга ўгириши орқали Жомий танлаган қирқ ҳадисга қитъалар ёзади. Бу қитъалар шунчаки таржималар бўлмай, Навоий томонидан яратилган мустақил асар сифатида юзага келади. Биз ушбу мақолада “Арбаъин”лар муборак Қуръон ва ҳадисларга асосланган адаб илми эканлигини Малоҳат Пўлатованинг “Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаин” ёзиши анъаналари” номли монографиясига асосланган ҳолда ифодаладик.*

***Калит сўзлар:** Арбаъин, ҳадис, адаб, мумтоз, Қуръон, Шарқ, қитъа, туркий, арабий, форсий, шарҳ, анъана.*

### **ГЛЯНЕЦ "АРБАИН" - ЗНАК ПОЭЗИИ**

**Сувонова Джумагуль Рашидовна,**  
Кандидат филологических наук, доцент  
Самаркандский государственный университет,  
Самарканд, Узбекистан  
**E-mail: [Jumagul-Suvonova@rambler.ru](mailto:Jumagul-Suvonova@rambler.ru)**

### **АННОТАЦИЯ**

*В классической поэзии существует традиция писать «Арбаин» - хадисы и комментировать хадисы на языке, понятном для многих людей, подробно объясняя их смысл. К XV веку эту традицию в тюркской поэзии начал Хазрат Алишер Навои.*

*Переведя на тюркский язык «Арбаин» и «Чхил хадис», выбранные учителем Навои, персоязычным поэтом Абдурахманом Джами, он написал четверостишья для сорока хадисов, выбранных Джами. Эти стихи являются не просто переводами, а предстают как самостоятельные произведения,*

созданные Навои. В данной статье мы выражаем то, что «Арбаин» - наука о поэзии, основанная на священном Коране и хадисах, опираясь на монографию Малохат Пулатовой «Традиции письма "Арбаин" в восточной классической литературе».

**Ключевые слова:** Арбаин, хадис, адаб, мумтоз, Коран, Восток, турецкий, арабский, персидский, комментарий, традиция.

## КИРИШ

Мумтоз адабиёт бўстонида “Арбаин” кирк ҳадис яратиш анъанаси алоҳида йўналиш сифатида кўзга ташланганига анча бўлган. Бу ҳақда олимларимиз қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борган ва бу борада яратилган ижод намуналари ҳамда илмий оммабоп ишларини ўз фикрлари билан тўла асослаб келишган. XV асрларда бу йўналиш айнан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ижодида мустақил адабий-бадий жанр сифатида намоён бўлганлиги янаям кўзга яққолроқ ташланди. Бу даврга келиб адаб “Арбаин”лари нафақат диний-маърифий, илмий-амалий балки тўла ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, таълим-тарбиявий жабҳаларни ҳам қамраб олди. Мусулмон оламида инсоният камолоти учун хизмат қилувчи манбаалар жуда кўп. Шулардан энг асосийси адабиётдир. “Арбаин” яратиш кўламининг кенгайиши эса адабиётимиз маънавий ҳазинасини бойитиш билан бирга унинг қудратини янаям ошишига, тарбиявий ҳудудини кенгайишига асос бўлади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тошкент давлат шарқшунослик университети докторанти Малохат Пулатова томонидан ишланган “Шарқ мумтоз адабиётида”Арбаин” ёзиш анъаналари” мавзусидаги иш ҳам фикримизнинг исботидир. Диссертант ўз мавзусида айнан ана шу масалаларга мукамал тўхталишга ҳаракат қилади. Унинг Шарқ Мумтоз адабиётида”Арбаин”жанри ва унинг эволюциясига доир фикрлари эътиборга лойиқдир. Маълум муддат халқимиз истилоси даврида жуда кўп анъана ва қадриятларимиз таъқиқлаб қўйилди. Айниқса диний ақидаларимиз, иймон эътиқодимиз сарҳадларига қилинган даҳл бунга яққол мисолдир. Мустақиллик йилларига келиб, бу масала чуқур ўрганилди ва унинг ҳаётимиз ҳамда ёшларимиз тарбияси, одоб –ахлоқи, тинч ва фаровон турмуш тарзимиз доирасида нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги аён бўлди. Шунинг учун ҳам Исломи дини, Қуръон ва Ҳадис таълимоти халқимизнинг миллий ўзликни англаш, аждодларимизнинг бой маданий-маърифий, илмий-фалсафий меросини ўрганиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Дарҳақиқат

бугун бу йўлдан бориш ҳам халқ фаровонлиги маънавий камолоти, ҳам юрт тинчлиги истикбол кафолоти учун зарурдир. Бу борада Малоҳат Пўлатова ўз ишининг биринчи бобида шундай эътирофни баён этади: “Ҳар қандай диний эътиқод каби, исломий эътиқод ҳам инсон руҳий камолоти ва қалб етуклиги билан боғлиқ ҳолатдир. Ўз тарихий ривожланиши жараёнларида мусулмон маданияти одамлар учун соф гуманитар хусусиятларга, жумладан поклик ва ҳалолликка, бағрикенглик ва тинчликка, оилалар равнақи ва бутунлигига умид ва ишончни кучайтиради. Ўзбекистонда дин давлат томонидан умумбашарий цивилизация, миллий маданиятимизнинг ажралмас бир қисми сифатида баҳоланади ва ардоқланади” [2.Б.7]. Дарҳақиқат биз Ислом динини ардоқлаган пайтларимизда эришган ютуқларимизни инобатга оладиган бўлсак биринчи ренессанс, уйғониш даври вакиллари мисол келтиришимиз мумкин бўлади. VIII – XII-асрлар даврининг юксалиши, юртнинг риволаниши, дунёқарашнинг шаклланиши, диний ва дунёвий таълимни бирикиши натижасида “илмларнинг олтин даври” вужудга келган бўлса, булар ҳаммаси бирикиб, иккинчи ренессанс даври вакиллари юзага чиқарди. Улар Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Беруний, Нақшбандий, Навоий ва Бобурлардир. Шунинг учун ҳам бир муддат узилиш бўлиб қолган динимизга муносабат руҳимизга, нафақат руҳимизга, балки миллий маънавиятимизга таъсир қилмай қолмади. Мисол учун “ота!”-деб юзига тик қарай олмайдиган падаримиз “пахан”, “она!” –деб, ҳурматига тил теккизмайдиган волидаи муҳтарамамиз “мамашка” каби муносабатларга тенг кўрилди. Бугунги кунда эса ёшларимиз тарбиясидаги, маънавиятидаги баъзи бир ўзгаришларни кўра била туриб ҳам кучоқ очиб кутиб олаётганимиз оммавий маданият унсурларига қарши тура оладиган ягона куч, бизнинг эътиқодимиз, анъана ва қадриятларимиз, миллий маданиятимиз, ҳадис ва қуръонимиздир. Бироқ бу қадриятларни ёш авлодга тарбиявий аҳамияти нақадар кучли бўлса, уни қалбларга етказиб бериш, чиройли услубда сингдириш, моҳиятга етиб бориш меҳнати ҳам шу қадар кучлидир. Арбаъин яъни қирқ ҳадис ёзиш анъанаси биринчидан: Пайғамбаримиз(с.а.в) ҳадисларини тарғиб этиб, унинг шарҳлаб, халққа етказиб берш мақсадида ёзилган бўлса, (бу албатта кўпчилик учун сир эмас). Бир неча олимларимиз, жумладан Тожикистонлик олим Ф.Камолов такидлаганидек: “Қасе аз уммати ман дар амри динаш чиҳил ҳадисро ҳифз кунад, дар рўзи қиёмат аз зумраи фақеҳону олимон маҳсуб меёбад”. Яъни, “Менинг умматимдан кимки дин амри билан қирқ ҳадисни ёд олса, охират кунда алломалар ва фақиҳлар жамоасидан ўрин олади”. [2.Б.10].-деган ҳадисни сабаб қилиб кўрсатади. Имом Нававий эса(1233-1278, XIII аср) ўзининг “Арбаъин ан-Нававий” асарида пайғамбаримиз

Муҳаммад(с.а.в)нинг “Ким умматимга дин ишларига оид қирқ ҳадисни ўргатса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни фақиҳлар ва олимлар гуруҳига киритади,”[3.Б.3-4].-деганлар дейди. Бу ҳар иккала ҳадис ҳам ўз ўрнида асосли сабаб бўлиб, фақиҳ ва олимлар дин арконларида жуда баланд мавқе тутганлар. Ҳатто уларнинг сиёҳи шаҳидларнинг қони билан муқояса қилинган ва албатта уларнинг сиёҳи шаҳидлар қонидан оғирроқ келур дейилган. Иккинчидан: Бугунги кунда “Арбаъин”-қирқ ҳадис ёзиш анъанаси инсоннинг кийиниш, тозалик, муомала маданияти, ўзини тутиши, одоб-ахлоқ, муҳаббат ва ҳурмат, сабру қаноат, ор-номус каби ижобий ҳислатларини кучайтиришга хизмат қилса, яна бир сабаби аксарият инсонларни инсофга чақириш, бошқаларга яхшилик қилиш, сабрли-қаноатли бўлиш, ҳалол ва ҳақгўй бўлиш, мардлик ва жасоратли бўлишга ундаган. Фозил шоирларимиз буни англаган ҳолда пайғамбаримиз(с.а.в) бисотидан саралаб, улардан қирқта энг ноёб фалсафий фикрга эга бўлган инсонни ёмонликлардан қайтариб, эзгулик ва яхшиликларга ундайдиган ҳадисларни ажратиб олиб, уларга шарҳ ва изоҳлар ёзишади.

М.Пўлатова ўз дедикларида “Арбаъин”ни адабий жанр сифатида эътироф этар экан, унинг зиммасига маънавий ва маърифий вазифа юклайди. Ва уларни шундай номлайди.

- “Арбаъин”да адабий талқин масаласи;

- Адабий изоҳ бериш;

- Мазмунни чуқурлаштириб баён қилиш;

- Асл ғояларни ўз ғоялари билан бойитиш;

- Соддалаштириб, тушунарли қилиб баён қилиш;

- Образлиликни кучайтириш асосида умумийликдан жузъийликка ўтиш;

- Ҳаётга яқинлаштириш;

- Назарий қарашларнинг амалиётдаги ҳолатини баён қилиш;

Мисол учун Ҳазрат Навоий Абдурахмон Жомий “Арбаъин”ларига асосан яратган ўз “Арбаъин”ини “Яхшиликни очик юзлилардан изла” дейилган ўнинчи ҳадисига қуйидагича изоҳ битади:

Эйки, ҳар ишда ҳожатинг бўлса,

Яхши юзлугдин иста бахшойиш.

Токи бахшойишидин аввалроқ

Кўрмагидан етушгай осойиш.[5.Б.10].

Ушбу шарҳ битилган матн мазмунига Малоҳат Пўлатова ўзининг чуқурлаштирилган баёнида шундай дейди: “Баъзи ўринларда диний ахборот ва манбаларда белгиланган воқеа ва ҳодисани оддий тарзда тушунтириб

беришнинг иложи бўлмайди. Чунки у маълум бир тарихий фактлар, афсоналар, ёки ҳодисалар билан уйғунлашиб кетган бўлади. Мана шу ўринларда шоирлар мазмунни чуқурлаштириб баён этиш йўлидан боришади. Бундай ҳолларда наср билан назм қўшилиб келади. Насрий матнда воқеалар баён қилинса, назмий матнда мана шу воқеадан инсон қалбида вужудга келган ҳиссиётлар таҳлили берилади”. [2.Б.48].

Биз ушбу ҳадис шарҳига яна шундай таҳлилий муносабат билдирган бўлардикки, ҳар қандай инсон бирор бир масалада кимдандир ножот истайдиган бўлса, албатта юзи очик, хушмуомала, хушхулқ кишини танлагайки, токи мушкулени осон қилишдан аввалроқ уни кўргандаёқ кўнгли тинчиб, дили ором топади. Бунга кўплаб мисоллар келтирмак мумкин, бироқ, биргина мисол: ”Оллоҳ очик юзликларни севади,”- дейилади, ҳадислардан бирида. Демак Оллоҳ яратган мўжиза, инсон ҳам очик юзликларни севишига ҳеч шубҳа йўқ!

Малоҳат Пўлатованинг “Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаъин” ёзиш анъаналари” номли монографиясидаги ҳадисларга берилган чуқурлаштирилган баёнларида кўпроқ бир нарсага гувоҳ бўламиз. У илмий тил ва услубга таяниб, ҳадислар маъносини ҳам тарихий, ҳам луғавий, ҳам таҳлилий, ҳам бадиий, ҳам ғоявий, ҳам тимсолий, ҳам назарий изоҳлайди. Фикрларини фактли асослашга ҳаракат қилади ва бунга эришади. Бироқ бу билан у олимона назарий таҳлил ва муносабатларга кучли эътибор қаратадики, натижада оддийлик ва соддаликдан бир мунча йироқлашиб, таҳлилий қарашларда анчагина мураккабликни юзага келтиради. Муаллиф шарқ халқлари адабиётида мумтоз шерият вакиллари орасида “Арбаъин”лар яратган шоирларни бир бир санар экан, уларнинг даврлари ҳамда асарлари номига тўхталиб ўтади. Бу ҳолат Айнан фарс тожик шерияти вакиллари орасида ҳам ифода этилади, бу билан қадим Арбаъиннавислик тарихига оид бир неча тахмин ва эътирофларни келтиради ва ойдинлаштиради. Эътиборга молик жиҳати шундан иборатки, муаллиф “Арбаъин”ёзишнинг тарихий асосчилари,(аввалгилари VIII аср ва ундан ҳам олдин ёзилган деб тахмин қилинади) Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ижодини кузатар экан. Учала шоир ёзган “Арбаъин” ҳадисларни ҳам кўлёзма нусхаларини матншунослик ва манбашунослик асосида таҳлил қилади. М.Пўлатова бу борада олиб борилган тадқиқот ишлари давомида Шарқшунослик институти фондида сақланаётган “Арбаъин”асарини барча кўлёмалари рўйхатини тузади ва уларни битта-битта ўрганади ҳамда тўла тавсифини беради. Яна муаллиф ушбу китобида Жомий, Навоий, Фузулий ижодидаги “Арбаъин” ларнинг муқаддима, асосий қисм, хотималарини алоҳида-алоҳида қиёсий таҳлил қиладиким, ҳар бирининг асл



моҳияти илмий-назарий қарашлар билан бир қаторда диний ва дунёвий адаб ва тарбияга бориб тақалади. Бу борада диний тарбия ҳам дунёвий тарбия ҳам “Арбаъин”ларнинг асосий мақсади билан уйғунлашиб боради. Зотан Ислом динининг мақсади ҳам инсониятни тўғрилиқка бошлаш, инсонларга тўғри йўлни кўрсатишдан иборат бўлган. Биз “Арбаъин”лар тизимига таҳлилий назар ташлар эканмиз, яна Малоҳат Пўлатова фикрларига таяниб олима қоғозга тушурган ҳадисларга эътибор қаратамиз.

Ҳар учала устоз шоирлар Жомий, Навоий, Фузулий ижодидаги “Арбаин”-ҳадислар тўпламидаги биринчи ҳадисда: “Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрганни биродарига раво кўрмагунча чин мўмин бўла олмайди, ”[2.Б.106].- дейилади. Бу ҳадисни шоирларимиздан Абдурахмон Жомий шундай бадиий ифодалайди:

**Абдурахмон Жомий:**

Ҳар касе ро лақаб макўн мўмин,  
Гарчи аз саъйи жону тан коҳад.  
То нахоҳад бародари худро,  
Ончаки аз баҳри хештан хоҳад.

**Алишер Навоий:**

Мўмин эрмастур, улки иймондин,  
Рўзғорида юз сафо кўргай,  
Токи, қардошига раво кўрмас-  
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

**Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий:**

Мўмин ўлмаз киши ҳақиқат ила,  
Дудмайинжа тариқи тарки ҳаво.  
Ҳар не ўз нафсини раво гўрса,  
Йору гардаша гўрмайинжа раво. [2.Б.183]

Бизнингча, ушбу ҳадис шарҳи орқали ҳар учала шоир ҳам мўмин-мусулмон бандасининг ўзи тўқ, тинч, осойишта, саодатли ҳаётда яшаса-ю, унинг қардоши яъни, акаси-укаси ёки қариндоши, қўшниси оч ўтирса, азоб-укубат ва қийинчиликда яшаса бундай одам иймонли мўмин ҳисобланмайди, деган маънони ифодалайди. Анъаналарга кўра қадимдан шарқ халқлари ўз расм-русумлари, одоби ва тарбияси ҳамда илмий-ижодий тафаккури билан ҳам бошқаларга, айниқса, ёшларга намуна бўлишга ҳаракат қилиб келган. Айнан

ҳадису ҳикоятлар, мақолу маталларда ҳам шу анъана кўзга яққол ташланиб туради. Ушбу ҳадис мазмунида ҳам мўминлик мазҳаби ҳақгўй, бошқалар ҳаётига ҳам эътиборли, мазлумларни қўллаб-қувватлагувчи ва бировга ёмонликни раво кўрмайдиган, кибру-ҳаводан йироқ инсон бўлишига очиқ-ойдин ишора бор. Ҳар учала шоирнинг ҳам “Арбаъин”лари бир ҳил ҳадислар шарҳига баён этилган шеърӣ қитъалар бўлишига қарамай, улар араб тилидаги ҳадиснинг форс ва туркий тилдаги бағишлов, изоҳи ёки шарҳидангина иборат эмас, балки ҳар бир шоирнинг ўзига хос ҳиссиётлари, кечинмалари, қолаверса миллий ва маънавий концепцион фарқлари, композицион тузилиши, анъанавийлиги, ғоявийлиги, сюжети, тили ва услуби мавжудлигини кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам бу қиталар ҳали ҳануз ўз ахлоқий тарбиявий аҳамиятига эга бўлган, тўла тугалланган бадиий асар сифатида кадрланади. М.Пўлатова ушбу ҳадисларни сўзма сўз қиёсий поэтик таҳлил қилар экан, уларнинг ҳар бир сўзидаги фарқларни ҳам ғоявий ҳам композицион жиҳатдан асослаб, қуръон оятлари орқали тасдиқлаб боради.

Алишер Навоӣ ўз арбаъинларида ҳадис маъносини очиб, ундаги тасаввуфона исломӣ-ирфонӣ фалсафани бадиий ифодалаш билан бирга уларни эзгу фазилатлар ва ижобӣ хусусиятларни ривожлантириш манбаи сифатида ҳам эътироф этади. Ва табарруқ ҳадислар ўзида мужассам этган мазмун моҳияти билан эзгуликка, инсон руҳӣ маънавий олами камолига хизмат қилишини яна бир бора исботлайди. Бундан яна бир мақсад кўпчиликни мусулмончилик йўл-йўриқлари, анъана ва қадриятлари, одоб-ахлоқи, ҳислат ва фазилатлари ифодаланган ҳадислар билан ошно қилиш ҳамда ушбу гўзал ижод маҳсулидан туркий халқларни ҳам баҳраманд этмоқдан иборат бўлган. Яна бир жиҳатни киритиш мумкин, Ҳазрат Навоӣ

“Арбаъин”лар-“Адаб гулдастаси”ни тузиб, уни туркий элатларга тақдим этиш истагида бўлган бўлса не ажаб?! Шу борадаги фикрларимизни далиллаш учун айнан Алишер Навоӣ “Арбаъин”ларидан таҳлилга тортамыз.

М.Пўлатова монографиясидаги Жомӣ, Навоӣ, Фузулий “Арбаъин”лари тизимининг йигирма биринчи ҳадиси **“Қаноат туганмас бойликдир,”** – [2.Б.195] дейилган. Ушбу ҳадисга Ҳазратлар қуйидагича шарҳ битишади:

### **Жомӣ**

Соҳибӣ ҳирсро зи хони қарам,  
Файзи эҳсон намирасад ҳаргиз.  
Ба қаноат гарой, к-он ганжист,  
Ки бапоён намирасад ҳаргиз.

### **Навоий**

Хирсдан кечким, ул ғамедурким,  
Хадду ғоят эмас анга пайдо.  
Тут каноатким, ул эрур моле,  
Ки, ниҳоят анга эмас пайдо.

### **Фузулий**

Мали дуняя мэйил қилма ким, ул,  
Қобили нақс ўлан бэзаэтдир.  
Одамизада тукэнмэз мал,  
Нақди ганжинайи қаноатдир.[2.Б.195].

Бу уч устоз шоирларимиз қаламига мансуб бўлган “Арбаъин”ларда ҳадислар аввал араб имлосида, сўнг форс ва туркий имлода ёзилади. Бироқ ҳар учовида ҳам инсонга сабр-қаноатли бўлиш битмас-туганмас бойликнинг эгаси бўлиш эканлигига даъват бор. Бу ўз ўрнида ўткинчи бойликка ҳирс қўйиш, унинг йўлида турли ёмонликлар, кишилар ҳақиқага хиёнат, инсонларга жабр зулм қилиш эмас, гўзал хулқ, инсоний фазилатлар ва сабру қаноатга эга бўлиш ҳақиқий бойликка эга бўлиш эканлигига, чақириқ бор. Ҳар учала шоир ҳам бири-бирини такрорламай, ўз фикрига таяниб, мустақил ифода услубини қўллаш йўлидан боради. Натижада учта мустақил гўзал асар намунаси вужудга келади. Ҳар учала асар ҳам диний ва дунёвий жиҳатдан таҳлил этиладиган бўлса, албатта инсон ижобий фазилатлари, адаб илмига уйғунлашиб кетади. Шу жиҳатлари билан ҳам “Арбаъин”лар-“Адаб гулдастаси” –деган фикримизни тасдиқлайди.

XV асрда Алишер Навоий ўзининг кўпгина асарлари билан адабиёт-адаб илмига муносиб ҳисса қўшган. Унинг барча асарлари мана олти асрдирки, Туркий халқлар маънавияти ривожига хизмат қилмоқда. Гарчи “Арбаъин”лар шоир ҳазратлари ижодининг кичик бир қисми бўлса-да, ўз эътирофига кўра у ниҳоятда тақводор бўлган, бу хусусият унинг барча асарлари таркибига чуқур сингдирилган. Бу қарашлар муаллиф М.Пўлатова қарашларида ҳам ўз ифодасини топган.

Устоз шоирлар яратган “Арбаъин”ларнинг ўн тўртинчисида: **“Жаннат оналар оёғи остидадир,”**-дейилган.

Ушбу ҳадис қитъалари шундай битилган:

### **Жомий**

Сар зе модар мақашки тожи шараф,  
Гард аз роҳи модарон бошад.



Хок шав зири пойи у ки биҳишт,  
Дар қадамҳои модарон бошад.

**Навоий**

Оналарнинг оёғи остидадур,  
Равзаи жаннату жинон боғи.  
Равза боғин висолин истар эрсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

**Фузулий**

Аналар ҳўрматин дутунки, мудам,  
Габили раҳмати илаҳ ўласиз.  
Истек анлар аяғи алтинда,  
Гар диларсизки, жаннати ўласиз.[2.Б.190].

Ушбу китъаларда ҳар учала шоир ҳам ниҳоятда гўзал ифодаларни баён этади. Ҳар уч шоирнинг ҳам истедод ва маҳорати яратган асарларида яққол намоён бўлади. Зотан асрлар мобойнида жаннат оналар оёғи остида экани ҳеч биримизга сир эмас. Бироқ шоирлар сўзининг жилваси, улар фикрининг такиди, энг зарур ахлоқий ғояни илгари суриши, асарнинг фарзандлар тарбиясидаги аҳамияти, ҳадис таъсирчанлигини ошириш билан бирга учта мустақил асар яратилишига замин бўлади. Бу ўз ўрнида бизни дунёвий ҳамда диний таълимотимизни уйғунлаштириб, Қуръон ва ҳадис ҳамда бадиий адабиёт узвийлигини ифода этиб туради. Бизнинг фикримизни М, Пўлатова Қуръон ояти ила қуйидагича тасдиқлаб беради: “ “Биз инсонга ота-онасини (рози қилишни) амр этдик...!”[ “Лукмон” сураси 14-оят]-деган,илоҳий ҳукм билан изоҳланади. Она ҳомиладорлик вақтидан, то фарзанд дунёга келгунга қадар бир қанча машаққатларни бошидан кечиради. Шу важдан Пайғамбаримиз (с.а.в.) юқоридаги ҳадислари орқали жаннатни оналар оёғи остига тўшаб қўядилар. Демак Жомий бу ҳадисга бесабаб мурожаат этмаган. Мусулмон оламида оналарнинг ҳурмати фарз даражасига кўтарилган.”[1.Б.124 ]

Шоирлар "Арбаъин"ининг ўттиз олтинчи ҳадисида шундай дейилади:

**-Ал-ваъдату дайнул. Маъноси шундай: Ваъда-бу қарздор.**

**Жомий**

Мардро ҳар чи багузарад базабон,  
Айб бошад варои он кардан.  
Ваъда бар зиммаи карам қарзист,  
Фарз бошад адои он кардан.

**Навоий**

Кимки ҳар кимга ваъдаёе қилди,

Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.  
Ваъдаким қилдинг ўйладурким дайн,  
Фарздур қарзни адо қилмоқ.[

### **Фузулий**

Гар дутарсан тариқи эҳли вефо,  
Пешэ эт вэъдейэ вефо қилмоқ.  
Қарздир вэъдэ этдигин нэснэ,  
Фарздир қарзунгни адо қилмоқ.[2.Б.203].

Бу ҳадисда инсонлик хусусиятларидан бири "Ваъдага вафо қилмоқ" хусусинда фикр юритилади. Абдурахмон Жомий ўз китъасида айтганини бажармаслик мард киши учун айб, ваъда зиммангдаги қарздир, уни бажариш фарз дейди. Яъни, кимки бировга ваъда қилса, уни бажармоғи шартдир. Йўқ эса бу ваъда кишининг зиммасига қарздорлик масъулиятини юклайдиким, уни адо қилмоқ фарзга айланади, дейди. Алишер Навоий эса Айнан шу фикр асносида Ва шу аснода инсонни ўз ҳатти-ҳаракатлари, хусусиятлари билан юзлаштиради, уни ўз сўзлари ва ишларини мулоҳаза қилишга ундайди. Алишер Навоий бу билан инсонларда мавжуд бўлган, лекин баъзан мудраб қоладиган ростгўйлик, бирсўзлилик, мардлик ва ҳалоллик туйғуларини кучайтиришга даъват қилади. Фузулий эса, гар вафо аҳлини ушларсан, улар олдида вафоли бўл. Ваъда қарздир унга вафо қилиш фарздир дейди.

### **ХУЛОСА**

Биз ҳар бир Арбаъиннинг мағзини чақар эканмиз, ёки уларни мукамал таҳлил қилишга эътибор қаратар эканмиз, беихтиёр бот-бот М.Пўлатова тадқиқига назар ташлаймиз. Муаллифнинг таҳлилий қарашлари, Арбаъинлар борасидаги машаққатли меҳнатлари ( тарихий-ижтимоий этимологияси, классификацияси ва типологияси, матншунослик ва қиёсий таҳлиллари)дан саволимизга жавоб қидирамиз. Зотан бу илм – адаб - илмидир. Адаб илмини эса ҳудуди чек-чегара билмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. Мирзиёев Ш.М.Буюк келажакимизни мард ва олианоб халқимиз билан бирга қураамиз.-Т.: “Ўзбекистон”.2017.-488 б.
2. Малохат Пўлатова.Шарқ мумтоз адабиётида “Арбаъин”ёзиш анъаналари.-Тошкент: ”Донишманд зиёси”, 2021.-208б.
3. Имом Муҳаммад Закариё ибн Шараф Нававий. Қирқ ҳадис.-Т.: Мовароуннаҳр, 2005.-Б.3.(-116 б).

4. Имом Муҳаммад Закариё ибн Шараф Нававий. Қирқ ҳадис.-Т.: Шарқ 2017.-Б.4 (-208 б).
5. Алишер Навоий. Арбаъин.- Тошкент: Фан. 2000.-Б.10.